



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Navoiysh., IslomKarimovsh.k 77 A

2022 - yil 6 - may

60-5-0-F/22

Navoiy viloyat hokimligi

Бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатлари ҳамда вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 5 майдаги 01-12/20-01-38/1356-сонли хулосасини инобатга олиб,

1. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан жами 7642,5 млн. сўм маблағларни иловага мувофиқ ажратсин.


2. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят Давлат молиявий назорат, вилоят ғазначилик бошқармалари мазкур фармойиш билан ажратилган маблағларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

4. Вилоят халқ депутатлари кенгаши котибияти (Хамроев) мазкур фармойиш билан ажратилаётган маблағларни вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилишини таъминласин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари в.б, Т.Атамуродов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б.



Н.Турсунов

Navoiy viloyat hokimining  
2022 yil 6 maydagi  
60-5-0-F/22-son farmoyishiga  
1-ilova

**Вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган  
маблағлар**

Т/р	Ташкилот ва муассаса номи	Мақсади	Жами (млн.сўмда)	Вилоят маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромадларининг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан	Вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан	Изоҳ
1	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йил 29 мартда 29/1-428-сон билан тасдиқланган режа-графикга асосан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Атамуродовнинг Россия Федерациясига меҳнат миграциясига кетган фуқаролар ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари учун	50,0		50,0	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б Т.Атамуродовнинг 01.04.2022 йилдаги 197/16-26-сонли билдиргиси
2	Вилоят Халқ таълими бошқармасига	Финландия таълим соҳаси вакиллари ва таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан ҳамкорликда "Математикани ўқитишда Финландия таърифи" мавзусида вилоятда 2022 йилнинг 14-20 май кунлари ўтказиладиган семинар билан боғлиқ бўлган харажатлар учун	46,5		46,5	Вилоят ҳокими ўринбосари Я.Душановнинг 28.04.2022 йилдаги 255/16-26-сонли билдиргиси
3	Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасига	Соматик касалликлар бўлимини таъмирлаш ва ҳушёрхона биносини қуришдан юзага келган қарздорликларни қоплаш харажатлари учун	2 000,0	2 000,0		Туман ҳокимининг 2021 йил 25 мартдаги 01/68-сонли хати
4	Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармасига	Шаҳар кўчаларини замонавий қилиб безатиш учун иллюминацион тунги ёритиш чирок(безак)ларини ўрнатиш харажатларига	3 146,0	3 146,0		Шаҳар ҳокимининг 2022 йил 5 майдаги 01-03/388-сонли хати
5	Кармана тумани ободонлаштириш бошқармасига	Туманда амалга оширилиши режалаштирилган ободонлаштириш ҳамда кўчаларни замонавий қилиб безатиш учун манзарали ёритиш чирок(безак)лари ва видеомониторлар ўрнатиш харажатларига	2 400,0	2 400,0		Туман ҳокимининг 2022 йил 5 майдаги 01-03/1126-сонли ва 2022 йил 5 майдаги 01-03/1128-сонли хатлари
<b>Жами</b>			<b>7 642,5</b>	<b>7 546,0</b>	<b>96,5</b>	

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 135827 на приобретение Худудларнинг иклим шароити ва шахарсозлик талабларидан келиб чикган холда безашни ташкил қилиш учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш**

Способ проведения электронный

Дата 18.08.2022

Время рассмотрения 18.08.2022 17:50

Конкурсная комиссия Навоий ш. Ободонлаштириш бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ORTIQOV MAQSUD ISMOILOVICH	Бошқарма бошлиғи	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	RAUPOV OXUNJON OLIMOVICH	Бош иқтисодчи	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV NURIDDIN TINCHLIKOVICH	Бош хисобчи	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	SHOYEV OYBEK ZOYIROVICH	Йўл мухандиси	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	NORMATOV JURABEK MAXMADIYAROVICH	ТЁТФУ участка бошлиғи	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	ISROILOV ANVAR AKBAROVICH	Бош энергетик	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	DOVIDOV UKTAM XUSENOVICH	Бош мухандис	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV NODIRJON XUSANOVICH	Бошлиқ ўринбосари	Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.08.2022 года № лота 135827.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>ООО SAMOYO'LLOYINA</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №2 Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>ООО SAMOYO'LLOYINA</b>	18	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №3 Таклифнинг техник қисми

Тип: Текстовое значение

Описание: Таклифнинг техник қисми

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО. НАВОИЙЎЛЛОЙИХА</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>ООО SAMOYO'LLOYINA</b>	18	Мавжуд	16	Экспертная		

Критерий №4 Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО.</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>НАВОИЙҮЛЛОЙИХА</b>						
<b>ООО SAMOYO'LLOYIHA</b>	18	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №5 Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО. НАВОИЙҮЛЛОЙИХА</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>ООО SAMOYO'LLOYIHA</b>	18	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №6 Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО. НАВОИЙҮЛЛОЙИХА</b>	18	мавжуд	18	Экспертная		
<b>ООО SAMOYO'LLOYIHA</b>	18	Мавжуд	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО. НАВОИЙҮЛЛОЙИХА</b>	30 000 000.00	26 400 000.00 UZS	26 400 000.00	00.00	26 400 000.00	17.08.2022 11:20:01	40.00
<b>ООО SAMOYO'LLOYIHA</b>	30 000 000.00	29 900 000.00 UZS	29 900 000.00	00.00	29 900 000.00	17.08.2022 18:45:44	35.32

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по	Общий балл по	Итоговый

	технической части	финансовой части	балл
<b>ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА</b>	60	40	100
<b>ООО SAMOYO'LLOYIHA</b>	58.8888	35.32	94.2088

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 135827 от 18.08.2022 года на приобретение Худудларнинг иклим шароити ва шахарсозлик талабларидан келиб чикган холда безашни ташкил қилиш учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО. НАВОИЙУЛЛОЙИХА  
200003124

и резервный исполнитель: ООО SAMOYO'LLOYIHA (205234522)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ORTIQOV MAQSUD ISMOILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV NURIDDIN TINCHLIKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHOYEV OYBEK ZOYIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NORMATOV JURABEK MAXMADIYAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ISROILOV ANVAR AKBAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV NODIRJON XUSANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DOVIDOV UKTAM XUSENOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**ШАРТНОМА № 25/22**  
(смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш)

2022 й. «22» 8

177-5-79-ОВ/2022-сон

Навоий ш.

“Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **М.И.Ортиков** бир томондан ва “Навоийўллойиха” МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Н.Б.Жураев** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан **Худудларнинг иқлим шароити ва шаҳарсозлик талабларидан келиб чиққан ҳолда безашни ташкил қилиш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан [harid.uzex.uz](http://harid.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 135827) эълон қилинган лотга асосан қуйидаги шартномани туздилар:

**Шартнома предмети ва муддати.**

1.1. Бажарувчи **Худудларнинг иқлим шароити ва шаҳарсозлик талабларидан келиб чиққан ҳолда безашни ташкил қилиш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш** (кейинчалик-объект) бўйича смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи смета ҳужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказди.

1.4. Бажарувчи смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-илоvasи “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

1.7. Ишлар паралел равишда амалга оширилади ҳамда лойиҳа ишлари босқичма-босқич бажарилади ва топширилади.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.**

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова) га асосан **ҚҚС билан 26 400 000 (Йигирма олти миллион тўрт юз минг) сўмни** ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 15 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи смета ҳужжатлари ишлари тегишли экспертизаси хулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқишлиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман хокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

### 3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуксонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган ҳужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейингилик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.



4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

## **5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.**

5.1. Смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. Низоларни ҳал этиш.**

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан иқтисодий судга даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқиши натижасида ҳал қилинади.

## **7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.**

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар Тўғри равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначилиқда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## **8. Форс-мажор.**

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## **9. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

9.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.


## **10. Шартномани амал қилиш муддати.**

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бўлимидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## **11. Қоррупцияга қарши кураш бўйича қўшимча шартлар.**

11.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур. -бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қондатар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартнома бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчитарофга тасдиқланган барча зарарни қоплайди.

### 10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”	“Бажарувчи”
Навоий шаҳар	“Навоийўллойиха” масъулияти чекланган жамияти:
Ободонлаштириш бошқармаси	Навоий ш. Навоий кўчаси 18 – уй.
Навоий ш Спутник қ С.Айний 107 уй	Тел: 220-13-47
Тел 79 226 48 15	х/р 20208000700356321001 Асака банк Навоий ш. филиали
х/р 100022860124017065100110003	МФО 00206 , ИНН: 200003124 ОКОНХ 66000
Марказий банк Тошкент шаҳар	Н.Б.Жураев 
МФО 00014	
ИНН 204628729	
Бошқарма бошлиғи	
М.И.Отиқов	



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi:**

Xo'jalik shartnomasi

**2. Loyihaning nomi:**

Xizmat ko'rsatish to'g'risida

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Navoiy shahar hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi 22.08.2022 yil

«Navoiyyulloyiha» MCHJ, bilan tuziladigan 25/22 sonli 26 4000 000 so'mlik shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasining «Davlat xaridlari to'g'risida»gi Qonunini talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Xolmuradov  
22.08.2022 yil